

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЛАПАСОВ САЙФИДДИН САНАКУЛОВИЧ**

**КЕЧКИ МУДДАТДА ОҚБОШ КАРАМ (*BRASSICA CAPITATA LIZG.*)  
НАВ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ, ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА  
СХЕМАСИНИ АНИҚЛАШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Лапасов Сайфиддин Санакулович**

Кечки муддатда окбош карам (*Brassica capitata* Lizg.) нав намуналарини танлаш, экиш муддатлари ва схемасини аниқлаш..... 3

**Лапасов Сайфиддин Санакулович**

Подбор сортов образцов, установление сроков и схемы посадки капусты белокочанной (*Brassica capitata* Lizg.) при позднем сроке возделывания..... 19

**Lapasov Sayfiddin Sanakulovich**

Selection of white cabbage (*Brassica Capitata* Lizg.) varieties, determination of their planting time and scheme in the late period of cultivation ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЛАПАСОВ САЙФИДДИН САНАКУЛОВИЧ**

**КЕЧКИ МУДДАТДА ОҚБОШ КАРАМ (*BRASSICA CAPITATA LIZG.*)  
НАВ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ, ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА  
СХЕМАСИНИ АНИҚЛАШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Qx281 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шокиров Алишер Жўрабоевич,**  
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Арамов Музаффар Хошимович**  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

**Якубов Мирджамил Мирзиятович**  
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

**Ётақчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги  
вазирлиги**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йи л «02» июль соат 09<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (538165-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик.

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент.

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича энг оммабоп ва хушхўр сабзавот экинларидан бўлган карам етиштирилаётган майдонлар 2,82 млн. гектар, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 29,4 тонна ва ялпи ҳосил 82,8 млн. тоннани ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Дунёда мўътадил иқлим шароитига эга, узун илиқ кунли Жанубий Европа, Марказий ва Жанубий Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия минтақаларида қишлоқ хўжалигида такрорий экин сифатида сабзавотларни экиш кенг йўлга қўйилган. Оқбош карамга бўлган талабни қондириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун ушбу экинни такрорий экин сифатида етиштириш технологиясини такомиллаштириш, бунда энг мақбул экиш муддати, ўсимликларнинг озикланиш майдонини аниқлаш, товарбоп ва серҳосил нав ва дурагайлари танилаш борасидаги тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда карам сабзавот экинлари орасида етиштириш ҳажмига кўра бугунги кунда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ҳозирги кунда жаҳоннинг мўътадил табиий-иқлим шароитига эга давлатларида озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда, мавжуд суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланган ҳолда минтақа иқлимидан келиб чиқиб, такрорий экин сифатида оқбош карам етиштиришда самарали агротехнологияларни қўллаб етиштириш орқали ушбу экин ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада илмий асосланган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш, суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш ҳамда такрорий экинлардан олинадиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг юқори бўлишини таъминлайди.

Республикамизда сўнгги йилларда аҳоли озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва пахта ва ғалла экинларидан бўшаган майдонларда экспортбоп, ички ва ташқи бозорда талаб бўлган экинлар экиш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонларнинг даромадини ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш” муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб қўйилган<sup>2</sup>. Шу боис сабзавот экинларининг сифати ва ҳосилдорлигини тубдан оширишга қаратилган инновацион агротехнологияларни қишлоқ хўжалигига кенг жорий қилиш тақазо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги

<sup>1</sup> <http://stainformation.ru/sel/cabbages.html>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

“2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги ПҚ-3281-сонли қарори, 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5388-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги “2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 259-сонли қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Такрорий экинда оқбош карам етиштириш учун нав танлаш ва парваришlash технологияларини такомиллаштириш масалалари бўйича хорижда С.В.Королева, С.В.Ситкинов, В.В.Скорина, В.Ф.Пивоваров, Л.К.Гуркина, Т.В.Лизгунова, В.А.Денисов, Р.Д.Алмаскер, И.Д.Ражабли, Н.Б.Петров, А.Ф.Бухаров, Л.И.Уралец, О.Н.Вишневская, М.Н.Шаптуренко, А.Д.Джахангиров, В.П.Кузьмищев, В.Н.Лукьянец, Г.А.Костенко, Г.Ф.Монахос; республикада Ҳ.Ч.Бўриев, В.И.Зуев, О.Қодирхўжаев, М.Мухамедов, Б.Ж.Азимов, Т.Э.Остонақулов, А.М.Аббасов, А.А.Умаров, М.Х.Арамов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Такрорий экинда оқбош карам етиштириш учун мақбул экиш схемаларини танлаш, экиш муддатлари ва ўсимликларнинг жойлашиш қалинлигини, кўчатлар етиштириш ва асосий майдонда ўсимликларни парваришlash технологияларини такомиллаштириш илмий тамойиллари яратилган. Хусусан, такрорий экинда етиштириш учун муайян минтақалар тупроқ иқлимига хос навлар танлаш, ўсимликларни “лентасимон” усулларда жойлаштириш, навларга хос агротехникаларни қўллаш, суғориш, озиклантириш ва бошқалар бўйича тавсиялар берилган.

Бугунги кунда такрорий экинда сабзавотчиликни янада ривожлантириш, тадбиқ этилаётган янги навларнинг биологик ва хўжалик маҳсулдорлигини тўла намоён эта оладиган экиш схемалари ва муддатларини танлаш, ўсимликларни парваришlash жараёнларига ресурс ва энергия тежамкор самарали технологияларни жорий этиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Диссертация такрорий экинда етиштириш учун оқбош карам навларининг морфо-биологик ҳолатини ўрганиш, ўсимликларни жойлаштиришнинг мақбул схемаларини танлаш, такрорий экишнинг самарали муддатларини татбиқ этиш ва такрорий экинда сабзавотчилик юритишнинг маҳсулдорлигини максимал ошириш имконини берувчи қатор масалалар ечимига қаратилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-11-250 “Дехқончилик ва чорвачиликнинг экологик оптимал боғланишлигида тупроқ унумдорлигини ошириш, шўрланиш ва чўлланиш олдини олиш, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни жадаллаштиришда фермер хўжалиklarининг самарали технологиялари ва моделларини ишлаб чиқиш” (2006-2008 йй.) амалий мега лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кечки муддатда такрорий экин сифатида оқбош карамнинг нав-намуналарини, мўътадил экиш муддатларини ва мақбул экиш схемаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

кечки муддатда такрорий экинда етиштириш учун оқбош карам нав намуналарини танлаш;

кечки муддатда такрорий экинда оқбош карам етиштириш учун самарали экиш схемасини аниқлаш;

нав намуналари, экиш схемалари ва муддатларидаги фенологик кўрсаткичларининг вариация коэффициентини аниқлаш ( $V$ , %);

нав намуналари, экиш схемалари ва муддатларининг биометрик, морфологик ҳамда хўжалик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ўртасидаги корреляция коэффициентини ( $r$ ) аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида оқбош карамнинг Ўзбекистонда районлаштирилган “Ташкентская-10”, “Шарқия-2”, “Саратони”, “Термез-2500”, “Судья Узбекский”, “Каменная головка” ва интродукция қилинган “Сутра”, “Судак”, “Kubok”  $F_1$ , “Geant”  $F_1$ , “Kozak”  $F_1$ , “Ranoki”  $F_1$ , “Brady”  $F_1$  ва “W61–19”  $F_1$  каби нав ва дурагайлари; 5 та – 70x30 см, 70x40 см, 70x50 см, 90x30 см ва 90x40 см экиш схемалари ҳамда 5 та экиш муддатлари – 15.06; 30.06; 15.07; 30.07 ва 15.08 хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг предмети** такрорий экин сифатида бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонлар, такрорий экинда етиштирилган оқбош карам нав намуналарининг морфо-биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлик элементлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимовларнинг “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси” (2002), В.Ф.Беликнинг “Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве” (1992), “Методические указания по экологическому испытанию овощных культур” (1987) номли қўлланмаларда келтирилган услублар асосида олиб борилди. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985) дисперсион услуби ёрдамида “Excel 2010” ва “Statistica 7.0 for Windows” компьютер дастурларида, 0,95% ишонччилик оралиғи билан амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор кузги бошоқли донлардан бўшаган майдонларда такрорий экинда

кечки муддатда етиштириш учун оқбош карамнинг истиқболли нав намуналари танланган;

кечки муддатда такрорий экинда оқбош карам етиштириш учун самарали экиш схемаси аниқланган;

кечки муддатда такрорий экинда оқбош карам етиштиришда истиқболли навлар учун морфо-биологик кўрсаткичлар бўйича вариация коэффиенти аниқланган ( $V, \%$ );

кечки муддатда такрорий экинда оқбош карам етиштиришда нав намуналар, экиш схемалари ва муддатларининг биометрик, морфологик ҳамда хўжалик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ўртасидаги корреляция коэффиенти ( $r$ ) аниқланган;

экиш схемалари ва экиш муддатларининг назарий асослари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти шароитларида ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экилган оқбош карамнинг ўсув даври Голландия навларида 165 кун, Ўзбекистон навларида – 147 кун ва Франция намуналарида – 147-154 кунни ташкил қилиши аниқланган;

такрорий экилган оқбош карам нав намуналарининг ҳосилдорлиги Голландия навларида 70,8 т/га; Ўзбекистон навларида – 90,2 т/га ва Франция дурагайларида – 110 т/га бўлган;

иктисодий самарадорлик маълумотлари бўйича олинган соф даромад назоратдаги “Шарқия-2” навида гектаридан 9 655 минг сўм ва унга нисбатан дурагайлар кўрсаткичи 152,1-163,6 фоизга юқори бўлган. 1 тонна маҳсулот таннархи стандарт навида 150 минг сўм ва қолган дурагайларда 131-133 минг сўм орасида ўзгарган. Синалган дурагайларни жорий қилишдан олинган соф фойда гектаридан 4951-6060 минг сўмни ташкил қилган;

“Шарқия-2” навида 70х50; 90х30 ва 90х40 см экиш схемаларида гектаридаги ҳосилдорлик назоратга нисбатан мос ҳолда 14,8; 30,6 ва 14,5 фоизга юқори бўлган. “Саратони” навида эса 90х30 ва 90х40 см экиш схемаларида ҳосилдорлик 28,3-12,5 фоизга юқори бўлган. Ҳосилдорлик “Шарқия-2” навида бир гектарда 63,2-68,6 тонна, “Саратони” навида 77,9-88,0 тоннага етган.

“Шарқия-2” ва “Саратони” навлари мақбул муддатда (15 июнь) экилганда ҳосилдорлик назоратга (30 июнь) нисбатан 4-12 фоизгача ортган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш усулларида фойдаланган ҳолда: вариация ( $V, \%$ ) ва корреляция ( $r$ ) коэффиенти бўйича статистик-математик ишловдан ўтказилганлиги; назарий ва амалий натижаларнинг маълумотлар билан бир-бирига мос келганлиги; тадқиқот натижаларини халқаро ва маҳаллий илмий тадқиқотлар билан таққосланганлиги; олинган маълумотлар соҳа мутахассислари томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги; кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги; тажриба натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда баён

этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида кечки муддатда такрорий экинда етиштирилган оқбош карамнинг ўсиб-ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари ўрганилганлиги, қўлланилган нав, экиш муддати ва экиш схемасига боғлиқ равишда ривожланиш ҳамда ҳосилдорлик элементларининг вариация ( $V, \%$ ) ва корреляция ( $r$ ) коэффициентларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синалган такрорий муддатда етиштириш учун оқбош карамнинг ҳосилдор нав ва дурагайлари, экиш муддатлари, экиш схемалари, ўсимликнинг озикланиш майдони танланганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент вилояти шароитларида такрорий экинда кечки муддатда оқбош карам нав намуналарини танлаш, улар учун мақбул экиш муддатлари ва экиш схемаларини танлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

фермер хўжаликлари учун “Ёзги муддатда оқбош карам етиштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар” ва “Такрорий муддатда оқбош карам етиштиришда нав намуналари, экиш муддатлари ва экиш схемалари бўйича илмий асосланган тавсиялар” номли тавсияномалар ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 апрелдаги 02/029-249-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсияномалар деҳқон, фермер хўжаликлари экин майдонларида такрорий экинда оқбош карамдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

такрорий экинда етиштириш учун оқбош карамнинг истиқболли нав намуналарини танлаш ишланмаси Тошкент вилояти Бўка туманидаги “Саркор” фермер хўжалигида 5,0 га, “Самандар Агро Замин” фермер хўжалигида 2,5 га, “Олимжон Ферузбек даласи” фермер хўжалигида 2,5 га, Оққўрғон туманидаги “Ахмедовлар” фермер хўжалигида 2,0 га, “Шодлик Агрофирма” фермер хўжалигида 1,0 га, “Йўлчи ўғли Акром” фермер хўжалигида 2,5 га, Бекобод туманидаги “Азаматжон Махлиё” фермер хўжалигида 2,5 га, “Ойбек Миришкор Агро” фермер хўжалигида 2,5 га, “Кўркам МЧЖ” фермер хўжалигида 2,5 га, жами 21,5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 апрелдаги 02/029-249-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан ўртача 95,7-96,9 тонна карам ҳосили етиштиришга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача 8,9-9,52 млн. сўмни ташкил этган;

такрорий экинда оқбош карам етиштиришда самарали экиш схемасини танлаш ишланмаси Тошкент вилояти Бўка туманидаги “Саркор” фермер хўжалигида 3,0 га, “Самандар Агро Замин” фермер хўжалигида 1,5 га,

“Олимжон Ферузбек даласи” фермер хўжалигида 1,5 га, Оққўрғон туманидаги “Ахмедовлар” фермер хўжалигида 2,0 га, “Шодлик Агрофирма” фермер хўжалигида 1,6 га, “Йўлчи ўғли Ақром” фермер хўжалигида 1,6 га, Бекобод туманидаги “Азаматжон Махлиё” фермер хўжалигида 2,5 га, “Ойбек Миришкор Агро” фермер хўжалигида 2,2 га, “Кўркам МЧЖ” фермер хўжалигида 2,0 га, жами 17,7 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 апрелдаги 02/029-249-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан ўртача 68,3-99,4 тонна карам ҳосили етиштиришга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача 6,5–10,3 млн. сўмни ташкил этган;

такрорий экинда оқбош карам етиштиришда мақбул экиш муддатини аниқлаш ишланмаси Тошкент вилояти Бўка туманидаги “Саркор” фермер хўжалигида 2,2 га, “Самандар Агро Замин” фермер хўжалигида 1,5 га, “Олимжон Ферузбек даласи” фермер хўжалигида 1,5 га, Оққўрғон туманидаги “Ахмедовлар” фермер хўжалигида 3,0 га, “Шодлик Агрофирма” фермер хўжалигида 1,5 га, “Йўлчи ўғли Ақром” фермер хўжалигида 1,5 га, Бекобод туманидаги “Азаматжон Махлиё” фермер хўжалигида 3,0 га, “Ойбек Миришкор Агро” фермер хўжалигида 2,5 га, “Кўркам МЧЖ” фермер хўжалигида 2,5 га, жами 19,3 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 апрелдаги 02/029-249-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан ўртача 88,3-86,0 тонна карам ҳосили етиштиришга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача 7,7–8,1 млн. сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этиш тавсия этилган асосий илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 2 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича


маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Оқбош карамнинг (*Brassica capitata* Litzg.) нав намуналари, мақбул экиш схемалари, муддатлари ва озикланиш майдонларини танлашнинг назарий ва амалий асослари (илмий манбалар шарҳи)” деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз илмий адабиётлар маълумотлари шарҳланган. Жумладан, оқбош карамни етиштиришнинг аҳамияти, оқбош карам навлари таснифлари, турли нав намуналари ва дурагайларининг ўрганилганлик ҳолати, турли минтақа ва давлатлар тупроқ-иқлим шароитида экиш муддатлари, озикланиш майдонларини белгиловчи схемалари юзасидан адабиётлар таҳлил қилинган. Илмий адабиётлар таҳлили кечки муддатда такрорий экинда оқбош карам етиштиришда самарали агротехнологияларни қўллаш орқали ушбу экин ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш долзарб муаммолардан бири эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг “Тадқиқот ўтказиш шароити, объекти ва услублари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти, тадқиқотларни ўтказиш услуби, тажрибаларни олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг “Кечки муддатда такрорий экинда етиштириш учун юқори ҳосилдор оқбош карам нав намуналарини танлаш” деб номланган учинчи бобида оқбош карамнинг нав намуналарини ҳар томонлама ўрганиш ва истиқболли навларини танлаш бўйича тажрибалар натижаси келтирилган.

Голландия навларининг 40-45 кунлик кўчати экилганда 30-31 кундан сўнг карамбош ўрай бошлаган (1-расм).



1-расм. Оқбош карам нав намуналарининг ўсув даври кўрсаткичлари (2007-2010 йй.)

Маҳаллий навларда ушбу муддат 32-34 кун ва Франция дурагайларида 31-43 кунни ташкил қилган.

Ҳосилни йиғиштириб олиш санаси нав намуналари бўйича мувофиқ равишда 30.11; 09.11 ва 09–16 ноябрни ташкил қилган.

Ўсув даври Голландия навларида 165 кун; Ўзбекистон навларида – 147-154 кун ва Франция дурагайларида – 147-154 кун бўлган.

Стандарт “Саратони” навида бир туп ўсимликда 21,3 дона барг бўлган ва унга нисбатан “Сутра” навида – 29,1%; “Судак” навида – 21,7%; “Ranoki” F<sub>1</sub> – 15,0%; “Brady” F<sub>1</sub> дурагайида – 12,7% кўп бўлганлиги аниқланган.

Тупдаги эркин барглари сони бўйича вариация коэффициенти “Судак” навида V=6,8%,  $\bar{x}=15,3\pm 0,33$  дона; “Kubok” F<sub>1</sub> дурагайида V=5,8%;  $\bar{x}=24,1\pm 0,58$  дона бўлган.

Бир тупдаги барг сатҳи стандарт “Саратони” навида 12,2 дм<sup>2</sup> ва стандарт “Шарқия-2” навида унга нисбатан 14,8% кўп бўлган.

Барг узунлиги бўйича вариация коэффициенти “Судак” навида V=6,3%;  $\bar{x}=20,5\pm 0,41$ ; “Geant” F<sub>1</sub> дурагайида – V=5,6%;  $\bar{x}=25,7\pm 0,6$  ва “Kubok” F<sub>1</sub> дурагайида V=5,4 %;  $\bar{x}=20,5\pm 0,46$  см. га тенг бўлган.

Тупдаги барг вазни стандарт “Шарқия-2” навида 1,19 кг. ни ташкил қилган. Унга нисбатан стандарт “Саратони” навида 17,6%; “Geant” F<sub>1</sub> дурагайи 12,6% ва “W61-19” F<sub>1</sub> дурагайида 25,2 фоизга юқори бўлган.

Карамбош баландлиги Голландия навларида 18,0 см, Ўзбекистон навларида 21,9 см ва Франция дурагайларида 18,6 см. ни ташкил қилган; карамбош эни мос равишда 23,0 см; 26,3 см ва 21,0 см. ни ташкил этган. Карамбошнинг шакли ўрганилган нав ва дурагайларда ясси-юмалоқ ва юмалоқ бўлганлиги кузатилган.

Стандарт “Саратони” навида карамбош вазни 3,2 кг ва унга нисбатан Франция дурагайларида 21,9-28,1 фоизга оғир бўлган; Голландия навларининг карамбошлари стандартга нисбатан 65,6-71,9% оралиғида бўлган.

Ўртача ҳосилдорлик 1-стандарт “Шарқия-2” навида 96,9 т/га ва 2-стандарт “Саратони” навида 95,7 т/га. ни ташкил қилган.

Стандарт “Саратони” навида нисбатан юқори ҳосилдорлик Франция дурагайларида кузатилган: “Geant” F<sub>1</sub> дурагайида 137,1%; “Kozak” F<sub>1</sub> дурагайида 130,4% ва W61–19 F<sub>1</sub> дурагайида 135,4 фоиз.

Голландия навларининг ҳосилдорлиги ўртача 70,8 т/га; Ўзбекистон навлариники – 90,2 т/га ва Франция дурагайлариники – 110,6 т/га бўлган.

Ўзбекистон навларида карамбоши ҳажми юқори бўлсада, унинг тиғизлиги ўртача бўлган. Франция дурагайларида карамбош зич бўлганлиги сабабли, унинг вазни оғирроқ тош босган (1-жадвал).

**Оқбош карам нав намуналарининг карамбош вазни ва ҳосилдорлиги  
(2007–2010 йй.)**

Нав намуналар	Карамбош вазни		Ўртача 4 йиллик	
	кг	стандартга нисбатан, %	$\bar{x}$	стандартга нисбатан, %
Сутра	2,1	65,6	67,2	70,2
Судак	2,3	71,9	74,4	77,7
Ташкентская 10	2,9	90,6	84,9	88,7
Термез–2500	3,3	103,1	91,9	96,0
Судья Узбекский	2,9	90,6	87,4	91,3
Каменная головка	2,9	90,6	84,7	88,5
Шарқия-2 – st	3,2	100,0	96,9	101,3
Саратони– st	3,2	100,0	95,7	100,0
Kubok F <sub>1</sub>	3,1	96,9	98,7	103,1
Geant F <sub>1</sub>	4,1	128,1	131,2	137,1
Kozak F <sub>1</sub>	3,9	121,9	124,8	130,4
Ranoki F <sub>1</sub>	2,9	90,6	92,8	97,0
Brady F <sub>1</sub>	2,7	84,4	86,4	89,9
W61–19 F <sub>1</sub>	4,1	128,1	129,6	135,4

Ҳосилдорлик бўйича йиллардаги ЭКФ<sub>05</sub> кўрсаткичи 1,-3,6 т/га аниқлигида; тажрибанинг аниқлиги  $S_{\bar{x}}$ ,% 1,7-4,3% ишончли бўлган.

Соф фойда стандарт “Шарқия-2” навида гектаридан 9655 минг сўмни ташкил этган. “Geant” F<sub>1</sub>, “Kubok” F<sub>1</sub>, W61–19 F<sub>1</sub> дурагайларида бу кўрсаткич стандартга нисбатан юқори (151,3-162,8%) бўлган.

Бир тонна маҳсулотнинг таннари стандарт “Шарқия-2” навида 150 минг сўм ва қолган дурагайларда 131-133 минг сўм орасида ўзгарган.

Рентабеллик даражаси стандарт навида 66,3%; “Geant” F<sub>1</sub> да – 92,0%; “Kozak” F<sub>1</sub> да – 88,02% ва W61–19 F<sub>1</sub> да – 91,03 фоизни ташкил қилган.

Синалган дурагайларни жорий қилишдан олинган шартли соф фойда гектаридан 4951–6060 минг сўмни ташкил этган.

Диссертациянинг **“Кечки муддатда такрорий экинда оқбош карам етиштириш учун мақбул экиш схемалари ва муддатларини илмий асослаш”** деб номланган тўртинчи бобининг **“Кечки муддатда такрорий экинда оқбош карам етиштириш учун самарали экиш схемасини танлаш”** номли 1-бўлимида оқбош карамнинг “Шарқия-2” ва “Саратони” навларини 5 та 70x30; 70x40 – назорат; 70x50; 90x30 ва 90x40 см экиш схемалари ҳосилдорликка ва бошқа муҳим морфобиологик белгиларига таъсири ўрганилган.

Экиш схемалари бўйича ўсимликдаги барглари сонидан кўп фарқ бўлмаган ва улар экиш схемалари бўйича “Шарқия-2” навида 94,3-105,0%; “Саратони”

навида эса 91,0-100,0% оралиғида бўлган.


70x30 см экиш схемасидан 90x40 см. гача назорат вариантыга нисбатан ўсимликдаги барглр вазни ошиб борган ва у “Шарқия-2” навида 122,1-142,4 фоизни; “Саратони” навида 124,0-144,2 фоизни ташкил қилган.

Ўсиб-ривожланиш даври охирида иккала навда ҳам барг банди узунлиги бўйича экиш схемаларида сезиларли даражада катта фарқ бўлмаган. Барг узунлигини ва барг эни ўлчамлари назоратга нисбатан “Шарқия-2” навида 70x50 см схемада 106,4%; “Саратони” навида 105,3 фоизни ташкил қилган.

Барг вазнини илдиз вазнига тақсимлаб, уларнинг нисбати аниқланган. Уларга экиш схемасини таъсири кучли бўлганлиги кузатилган. 70x50 см; 90x30 ва 90x40 см схемаларда назорат вариантыга нисбатан улар нисбати “Шарқия-2” навида 119,8-142,5%; “Саратони” навида 118,2-136,4% бўлган.

Озиқланиш майдониға қараб карамбошлар вазни ўзгарган. Озиқланиш майдони 0,35 м<sup>2</sup> (70x50 см) бўлганда 2,39 кг ёки назоратга нисбатан 39,0 фоизга; 0,36 м<sup>2</sup> (90x40 см) бўлганда – 2,45 кг ёки 42,4 фоизга юқори бўлган.

“Саратони” навида ҳам худди шу схемаларда карамбош вазни назоратга нисбатан 34,6-44,2 фоизга юқори бўлган. Тажрибаларда гектардан олинган ҳосилдорлик йиллар бўйича ўзгариб турган. “Шарқия-2” навида гектаридан ўртача 63,2-68,6 т/га, “Саратони” навида 77,9-88,0 т/га орасида бўлган (2-расм).



**2-расм. Экиш схемасини оқбош карамнинг ҳосилдорлиғига таъсири, 2007-2010 йй.**

70x50; 90x30 ва 90x40 см экиш схемаларида гектардаги ҳосилдорлик назоратга нисбатан мос равишда 14,8; 30,6 ва 14,5%; “Саратони” навида 90x30 ва 90x40 см. экиш схемаларида 28,3-12,5 фоизга юқори бўлган (2-жадвал).

## Экиш схемасининг карамбош вазни ва ҳосилдорлигига таъсири, т/га

Экиш схемаси, см	Карамбош вазни		Йиллар				Ўртача $\bar{x}$	Назоратга нисбатан, %
	кг	назоратга нисбатан, %	2007	2008	2009	2010		
Шарқия-2 нави								
70x30	1,17	68,0	54,4	58,4	53,2	51,5	54,4	91,4
70x40 назорат	1,72	100,0	57,8	63,8	59,7	56,8	59,5	100,0
70x50	2,39	139,0	65,0	69,0	69,4	69,7	68,3	114,8
90x30	2,10	122,1	75,0	81,0	82,4	72,4	77,7	130,6
90x40	2,45	142,4	64,7	70,7	71,1	65,7	68,1	114,5
$\bar{x}$	1,97	114,3	63,4	68,6	67,2	63,2	65,6	110,3
Саратони нави								
70x30	1,66	76,5	70,0	74,0	72,9	70,1	71,8	92,6
70x40 назорат	2,17	100,0	77,3	79,0	81,1	72,5	77,5	100,0
70x50	2,92	134,6	85,0	89,6	87,3	78,6	85,1	109,8
90x30	2,69	124,0	100,4	104,4	102,4	90,2	99,4	128,3
90x40	3,13	144,2	87,0	93,0	90,5	78,2	87,2	112,5
$\bar{x}$	2,51	115,9	83,9	88,0	86,8	77,9	84,2	108,6
ЭКФ <sub>05</sub> омилар	А (нав)		5,0	2,1	1,1	2,2	2,6	
	В (экиш схемаси)		5,2	3,4	1,7	3,4	3,4	
$S\bar{x}$ % тажрибанинг аниқлиги			3,2	2,0	1,1	2,3	2,15	

А (нав) омили (ЭКФ<sub>05</sub>) йиллар бўйича кўрсаткичи 1,1-5,0 т/га; В (экиш схемаси) омили (ЭКФ<sub>05</sub>) ники 1,7-5,2 т/га орасида бўлган.  $S\bar{x}$  % тажрибанинг аниқлиги 1,1-3,2% юқори бўлган.

70x30 ва 90x30 см экиш схемалари бўйича “Шарқия-2” навида гектардаги ҳосилдорлик 54,4 тоннадан 77,7 тоннагача ошганлиги аниқланган.

Ҳосилдорлик ошган сари бир тонна маҳсулотнинг таннарни 204-166 минг сўмгача камайганлиги кузатилган. Экиш схемалари бўйича рентабеллик даражаси мос равишда: 22,3; 29,2; 40,1 ва 50,5% бўлган. Экиш схемасини жорий қилишдан олинган шартли соф фойда гектаридан 70x50 см схемада 1526 минг сўм ва 90x30 см. да 3155 минг сўм бўлганлиги аниқланган.

“Саратони” навида ҳам ушбу қонуният қайтарилган. Рентабеллик даражаси 44,1-70,5% орасида бўлган. Экиш схемасининг жорий қилишдан олинган шартли соф фойда 70x50 см схемада гектаридан 1317 минг сўм ва 90x30 см схемада 3795 минг сўмни ташкил қилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг **“Кечки муддатда такрорий экинда оқбош карам етиштириш учун мақбул экиш муддатини аниқлаш”** деб номланган 2-бўлимида кечки муддатда такрорий экинда оқбош карамнинг ўртапишар “Саратони” ва ўртача кечпишар “Шарқия-2” навларини ёз ойларида бешта муддатда 15.06; 30.06; 15.07; 30.07; ва 15.08 экиш муддатларида экилган унинг ҳосилдорлиги ва морфобиологик кўрсаткичларига таъсири натижалари келтирилган.

Биринчи (15 июнь) экиш муддатидан бешинчи экиш (15 август) муддатигача ўсимликдаги барглар сони “Шарқия-2” навида 105,3 фоиздан 81,3 фоизгача; “Саратони” навида 105,5 фоиздан 82,1 фоизгача камайган.

Эркин барг вазни биринчи экиш муддатидан бешинчи вариантгача “Шарқия-2” 1,22 кг. дан 0,91 кг. гача; “Саратони” навида 1,37-0,89 кг. гача камайган.

Барг банди узунлиги биринчи экиш муддатида бешинчи экиш муддатгача “Шарқия-2” навида 5,1-5,5 см. гача ошган. “Саратони” навида 6,3-5,4 см. гача камайган. Улар назоратга нисбатан 101,7 ва 87,1фоизни ташкил қилган.

Экиш муддатлари “Шарқия-2” ва “Саратони” навлари барг узунлиги, барг эни ва барг сатҳига таъсирини кўрсатган. Биринчи экиш муддатидан бешинчи муддатгача “Шарқия-2” навида улар мос равишда 17,8; 19,5 ва 34,1 фоизга камайган. “Саратони” навида барг узунлиги 14,9%, барг эни 15,0 фоизга ва барг сатҳи 27,7 фоизга кам бўлган.

15 июндан 15 август экиш муддатигача “Шарқия-2” навида карамбош баландлиги 21,1 см. дан 17,7 см. гача; эни 25,3 см. дан 21,3 см. гача камайган.

“Саратони” навида биринчи экиш муддатга нисбатан бешинчи муддатда карамбош баландлиги 12,8%; карамбош эни 27,1 фоизга камайган; карамбош индекси 12,7 фоизга кўп бўлган.

Ташқи ўзак қалинлиги; ички ўзак қалинлиги ва ҳўл илдиз вазни иккала навда ҳам биринчи экиш муддатидан бешинчи экиш муддатигача 7,8; 49,3 ва 15,3 фоизга кам бўлган.

Биринчи экиш муддатида “Шарқия-2” навида карамбош вазни 2,75 кг ва бешинчи муддатда 1,88 кг ёки 46,3 фоизга кам бўлган. Назорат вариантыга (2,56 кг) нисбатан тўртинчи ва бешинчи вариантлар кўрсаткичи 19,9–26,6 фоизга кам бўлган. “Саратони” навида ҳам биринчи экиш муддатида карамбош вазни 2,85 кг, бешинчи экиш муддатда 2,0 кг. гача камайган. Назорат вариантыда 2,72 кг бўлиб, тўртинчи ва бешинчи вариантларга нисбатан 18,4-26,5% юқори бўлган.

“Шарқия-2” навида биринчи экиш муддатидан (83,8 т/га) бешинчи экиш муддатигача (48,4 т/га) ҳосилдорлик 73,1 фоизга камайган.

“Саратони” навида ҳам биринчи экиш муддатидан (86 т/га) бешинчи вариантга (54,8 т/га) нисбатан 56,9 фоизгача камайиб борган.

ЭКФ<sub>05</sub> А (нав) омили бўйича 1,7-2,7 т/га; В (экиш муддати) омили бўйича 2,7-4,4 т/га оралиғида бўлган. Тажрибанинг аниқлиги  $S_{\bar{x}}\%$  1,9-3,3 фоизни ташкил қилган (3-жадвал).

**Оқбош карам навларини экиш муддатларини карабош вазни ва  
ҳосилдорлигига таъсири**

Экиш муддатлари	Карамбош вазни		Йиллар, т/га					Назоратга нисбатан, %
	кг	назоратга нисбатан, %	2009	2010	2011	2012	Ўртача $\bar{x}$	
Шарқия-2 нави								
15.06	2,75	107,4	81,5	96,5	78,6	78,4	83,8	112,6
30.06 назорат	2,56	100,0	75,8	83,2	69,7	68,7	74,4	100,0
15.07	2,38	93,0	71,5	73,0	67,3	62,8	68,9	92,6
30.07	2,05	80,1	60,1	52,4	62,0	56,5	57,8	77,7
15.08	1,88	73,4	55,6	40,9	42,5	54,6	48,4	65,1
$\bar{x}$	2,32	90,8	68,9	69,3	64,0	64,2	66,7	89,6
Саратони нави								
15.06	2,85	104,8	95,2	97,9	78,4	72,6	86,0	104,0
30.06 назорат	2,72	100,0	89,8	96,2	76,5	68,4	82,7	100,0
15.07	2,52	92,6	82,7	89,3	69,6	61,3	75,7	91,5
30.07	2,22	81,6	68,4	65,0	61,6	57,0	63,0	76,2
15.08	2,00	73,5	61,3	48,1	57,0	52,7	54,8	66,3
$\bar{x}$	2,46	90,5	79,5	79,3	68,6	62,4	72,4	87,6
<i>A омили (нав)</i>		<i>ЭКФ<sub>05</sub></i>	2,3	2,0	1,7	2,7	2,2	
<i>B омили(экиш муддати)</i>		<i>ЭКФ<sub>05</sub></i>	3,7	3,2	2,7	4,4	3,5	
<i>S<math>\bar{x}</math> %таъжрибанинг аниқлиги</i>			2,4	2,1	1,9	3,3	2,4	

Биринчи экиш муддатидан бешинчи муддатгача карамбош таркибидаги аскорбин кислота микдори “Шарқия-2” навида 13,8-11,8 мг/%; “Саратони” навида 12,4-11,6 мг/%; куруқ модда микдори мос равишда 7,96-7,03%; ва 6,89-6,58% бўлган. Экиш муддатлари синалган навларнинг иқтисодий самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатган. Биринчи (15.06) экиш муддатидан бешинчи (15.08) экиш муддатигача 1 тонна маҳсулотнинг таннарихи “Шарқия-2” навида 158,0 минг сўмдан 213 минг сўмгача (34,8%); “Саратони” навида 156 минг сўмдан 197 минг сўмгача (26,3%) ошган.

Рентабеллик даражаси 1-экиш муддатидан 5-экиш муддатигача “Шарқия-2” навида 57,8 фоиздан 17,1 фоизгача; “Саратони” навида 60,7 фоиздан 26,7 фоизгача пасайган.

Экиш муддатини жорий қилишдан олинган шартли соф фойда фақат 1-экиш (15 июнь) муддатида кузатилган ва у “Шарқия-2” навида 1911 минг сўм, “Саратони” навида 848 минг сўмни ташкил қилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Такрорий экинда кечки муддатда оқбош карам етиштириш учун “Geant” F<sub>1</sub>; “Kozak” F<sub>1</sub> ҳамда “W61-91” F<sub>1</sub> дурагайларидадан фойдаланиш юқори натижа беради. Ушбу дурагайларнинг ўсув даври мос ҳолда 147-154 кун, карамбошининг ўртача вазни 3,1-4,1 кг, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 98,7 тоннадан 131,2 тоннагача етади.

2. Такрорий экинда кечки муддатда оқбош карамнинг “Geant” F<sub>1</sub>; “Kozak” F<sub>1</sub> ҳамда “W61-91” F<sub>1</sub> дурагайлари етиштириш мос ҳолда 92,0%; 88,02% ва 91,03% иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради, бу эса назорат “Шарқия-2” навини етиштиришга нисбатан мос ҳолда 25,7; 21,72 ва 24,7 фоизга юқори демакдир.

3. Такрорий экинда кечки муддатда оқбош карам етиштиришда “Шарқия-2” нави ўсимликларини 70x50 см ёки 90x30 см, “Саратони” нави ўсимликларини эса 90x30 см схемада экиш юқори самара беради. Мазкур схемада экилганда карамбошларининг ўртача вазни назоратга нисбатан “Шарқия-2” навида 22,1-42,4; “Саратони” навида 24,0-44,2 фоизга ортади.

4. Такрорий экинда кечки муддатда оқбош карамнинг “Шарқия-2” навини 70x50 см ёки 90x30 см схемада экиш гектаридан ўртача 63,2-68,6 тонна; “Саратони” навини 90x30 см схемада экиш гектаридан ўртача 77,9-88,0 тонна ҳосил етиштириш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий рентабеллигини мос ҳолда 50,5 ва 70,5 фоизгача етказиш имконини беради.

5. Такрорий экинда кечки муддатда оқбош карам етиштиришда “Шарқия-2” ва “Саратони” навлари кўчатларини 15 июндан 30 июнга қадар экиш яхши натижа беради. Мазкур муддатда экилганда карамбошларининг ўртача вазни назоратга (30 июндан кейин) нисбатан “Шарқия-2” навида 7,4 ва Саратони навида 4,8 фоизга ортади.

6. Такрорий экинда кечки муддатда оқбош карам етиштиришда “Шарқия-2” ва “Саратони” навлари кўчатларини тавсия этилган муддатда экиш гектаридан мос ҳолда 83,8 тонна ҳамда 86,0 тонна ҳосил етиштириш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий рентабеллигини 57,8 ва 60,0 фоизга етказишни таъминлайди.

7. Такрорий экинда кечки муддатда оқбош карам етиштиришда юқори самарадорликка эришиш учун фермер хўжалиқларига:

маҳаллий “Шарқия-2” ва “Саратони” навлари, шунингдек “Geant” F<sub>1</sub>; “Kozak” F<sub>1</sub> ҳамда “W61-91” F<sub>1</sub> дургайларидадан фойдаланиш;

оқбош карам кўчатларни 15 июндан 30 июнга қадар экиш;

ўсимликларни “Шарқия-2” навида 70x50 см ёки 90x30 см, “Саратони” навида 90x30 см схемада ёки мос ҳолда 0,35 ва 0,27 м<sup>2</sup> ўсимлик қалинлигида жойлаштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЛАПАСОВ САЙФИДДИН САНАКУЛОВИЧ**

**ПОДБОР СОРТООБРАЗЦОВ, УСТАНОВЛЕНИЕ СРОКОВ И СХЕМЫ  
ПОСАДКИ КАПУСТЫ БЕЛОКОЧАННОЙ (*BRASSICA CAPITATA* LIZG.)  
ПРИ ПОЗДНЕМ СРОКЕ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ**

**06.01.06 – Овощеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Qx281.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Шокиров Алишер Жўрабоевич,</b> кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Арамов Музаффар Хошимович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор <b>Якубов Мирджамил Мирзиятович</b> кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 538165). (Адрес: 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки номер \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Б.А.Сулаймонов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик.

**Я.Х.Юлдашов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с/х.н., доцент.

**М.М.Адилов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире капуста, являющаяся одной из самых популярных и любимых овощных культур, высеивается более чем на 2,82 млн. гектаров, средняя урожайность которой составляет 29,4 тонн с гектара, а валовый сбор – 82,8 млн. тонн<sup>1</sup>. В сельском хозяйстве таких стран, как Южная Европа, Центральная и Южная Азия, Северная и Южная Америка, с умеренными климатическими условиями, длинным тёплым днём широко налажен посев овощных в качестве повторной культуры. С целью удовлетворения требований в белокачаной капусте актуальным для сельскохозяйственных производителей является проведение исследований по совершенствованию технологии возделывания её в качестве повторной культуры, с определением оптимальных сроков посадки, площади питания растений, подбору товарных и высокоурожайных сортов и гибридов.

На сегодняшний день, среди овощных культур, по объёму производства капуста занимает ведущее место в мире. В настоящее время, в странах с умеренными природно-климатическими условиями, при обеспечении продовольственной безопасности и эффективном использовании существующих поливных площадей, исходя из климата региона актуальной задачей является повышение урожайности культуры и объёмов валового производства продукции посредством возделывания белокачаной капусты в качестве повторной культуры с применением эффективных агротехнологий. В этой связи, посредством внедрения в производство научно обоснованной технологии будет обеспечено повышение производства продукции, эффективное использование поливных площадей, а также высокие показатели экономической эффективности повторных культур.

В последние годы в республике проводятся широкомасштабные мероприятия по повышению доходов фермеров посредством обеспечения продовольственной безопасности населения, полного удовлетворения его в овощной продукции, посадки на высвобожденных от хлопчатника и зерновых востребованных на внутреннем и внешнем рынках культур, диверсификации сельского хозяйства, разумного использования земельных и водных ресурсов, производства экспорт ориентированной продукции. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы одной из важных стратегических задач отмечено, что необходима «оптимизация посевных площадей и состава культур, внедрение передовых агротехнологий в сельском хозяйстве, а также повышение урожайности, увеличение производства плодоовощных и винограда»<sup>2</sup>. В связи с этим, предусматривается широкое внедрение в сельском хозяйстве

---

<sup>1</sup> <http://statainformation.ru/sel/cabbages.html>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года "О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах"

инновационных агротехнологий, направленных на коренное увеличение урожайности овощных культур и его качества.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3281 “О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объемах производства сельскохозяйственной продукции в 2018 году” от 15 сентября 2017 года, Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощеводства в Республике Узбекистан» от 29 марта 2018 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ-259 “О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объемах производства продукции под урожай 2019 года” от 29 марта 2019 года, а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** В Узбекистане технологией подбора сортов белокачаной капусты для повторной посадки и совершенствованием технологии возделывания занимались С.В.Королева, С.В.Ситкинов, В.В.Скорина, В.Ф.Пивоваров, Л.К.Гуркина, Т.В.Лизгунова, В.А.Денисов, Р.Д.Алмаскер, И.Д.Ражабли, Н.Б.Петров, А.Ф.Бухаров, Л.И.Уралец, О.Н.Вишневская, М.Н.Шаптуренко, А.Д.Джахангиров, В.П.Кузьмищев, В.Н.Лукьянец, Г.А.Костенко, Г.Ф.Монахос; в республике Х.Ч.Буриев, В.И.Зуев, О.Кодирхужаев, М.Мухамедов, Б.Ж.Азимов, Т.Э.Остонакулов, А.М.Аббасов, А.А.Умаров, М.Х.Арамов и многие другие учёные.

Созданы научные направления подбора оптимальных схем посадки для возделывания белокачаной капусты при повторном севе, сроков посадки и густоты стояния растений, ухода за рассадой и совершенствования технологии возделывания растений на основных площадях. В частности, даны рекомендации по подбору сортов, приспособленных к почвенно-климатическим условиям определённых регионов для возделывания при повторном посадке, размещению растений методом "ленточной посадке", применению сортовой агротехники, поливу, питанию и другим.

